

Ёлғоннинг хатари | Сийрат дарслари (247-дарс)



19:00 / 15.09.2023 2518

276. Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бири обид, бошқаси олим икки киши зикр қилинди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Олимнинг обиддан афзалиги худди менинг энг кичигингиздан афзалигимга ўхшайди», дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари, осмонлару ернинг аҳли, ҳаттоқи уясидаги чумоли ва балиқ ҳам одамларга яхшиликни ўргатувчига салавот айтадилар»,** дедилар».

Термизий ривоят қилган.

277. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга амр қилдилар ва мен у киши учун яхудийларнинг ёзувини – бошқа ривоятда: сурёнчани – ўргандим. Шунда у зот: **«Мен яхудларга мактубимни ишонмайман»**, дедилар. Мен ярим ой ўтмай у тилни яхшилаб ўрганиб олдим. У зот уларга мактуб ёзсалар, мен ёзар эдим. Улар у зотга ёзишса, мен ўқиб берар эдим».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

278. Алий ибн Абу Толиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Менга нисбатан ёлғон түқиманглар. Ким менга нисбатан ёлғон түқиса, албатта дўзахга киради**».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

279. Самура ибн Жундаб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Ким номимдан ёлғонлиги кўриниб турган ҳадисни айтса, у ёлғончиларнинг биридир**».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.